



Америка Қўшма Штатлари
Давлат Департаменти
Консуллик ишлари бюроси

**2010 ЙИЛ ТУРЛИ МИЛЛАТГА МАНСУБ ИММИГРАНТЛАР ВИЗАСИ
ДАСТУРИ (DV-2010) ЙЎРИҚНОМАСИ**

Конгресс қарори билан жорий этилган “Турли миллатларга мансуб иммигрантлар виза дастури –DV” ҳар йили Давлат Департаменти томонидан бошқарилади ва Иммиграция ва Фуқаролик Кодексининг (ИФК) 203(с) - бўлимига асосан амалга оширилади. 1990 йилда қабул қилинган “Иммиграция Актининг” 131-бўлими (101-649 Нашр), ИФК 203 га тузатиш киритди ва “турли миллатларга мансуб иммигрантлар” деб аталувчи иммигрантлар синфини жорий этди. ИФКнинг 203(с)-бўлими, Америка Қўшма Штатларига иммиграция кўрсаткичи паст давлатлардан бўлган шахсларга ҳар солиқ йилида энг кўпи билан 55000гача DV визаларини тақдим этади.

Ҳар йилги DV дастури оддий, лекин қатъий талабларга мос бўлган шахслар учун доимий истиқомат визаларини олишга имкон беради. Компьютерлаштирилган тасодифий лотерея танлови орқали турли миллатларга мансуб иммигрантлар визалари учун номзодлар аниқланади. Визалар иммигрантлик кам бўлган минтақаларга кўпроқ ва сўнгги беш йилда АҚШга 50000дан ортиқ иммигрантлар жўнатган мамлакатларга эса умуман берилмаслик шарти билан олти жўғрофий минтақалар орасида тақсимланади. Ҳар бир минтақадаги ҳеч қайси бир давлатга бир йил ичида DV визаларининг етти фоизидан ортиғи берилмайди.

Қуйидаги давлатлар¹ ҳудудида туғилган шахслар DV-2010да иштирок этишлари мумкин ЭМАС, чунки бу давлатлар сўнгги беш йил давомида АҚШга умумий сони 50000дан ортиқ иммигрант жўнатишган:

БРАЗИЛИЯ, КАНАДА, ХИТОЙ (материкда туғилганлар), КОЛУМБИЯ, ДОМИНИКАНА РЕСПУБЛИКАСИ, ЭКВАДОР, ЭЛЬ-САЛЬВАДОР, ГВАТЕМАЛА, ГАИТИ, ҲИНДИСТОН, ЯМАЙКА, МЕКСИКА, ПОКИСТОН, ФИЛИППИН, ПЕРУ, ПОЛЬША, ЖАНУБИЙ КОРЕЯ, БУЮК БРИТАНИЯ (Шимолий Ирландиядан ташқари) ва унга қарам ҳудудлар, ва ВЬЕТНАМ. Сянган (Гонконг), Аоминь (Макао) махсус маъмурий округи ва Тайвань фуқаролари иштирок этишлари мумкин.

¹ “Давлат” сўзи мазкур изоҳда 13-бетда муайян санаб ўтилган мамлакат, иқтисодиёт ва бошқа юрисдикцияларни ўз ичига олади.

DV-2010 бўйича, Россия иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган мамлакатлар сафига қайтди. Косово шу мамлакатлар қаторига қўшилди. Илгари рўйхатда бўлган мамлакатлардан ҳеч бири DV-2010да қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган мамлакатлар қаторидан чиқарилмади.

Давлат Департаменти DV-2005дан бошлаб турли миллатларга мансуб иммигрантлар учун визалар жараёнининг самарадорлиги ва хавфсизлигини ошириш мақсадида электрон рўйхатга олиш тизимини йўлга қўйди. Департамент, ноқонуний иммигрантлик мақсадида фирибгарлик қилганлар ёки кўп сонли ариза берганларни аниқлаш учун махсус технология ва бошқа воситаларни қўллайди. DV-2010да, биринчи маротаба, иштирок этувчилар аризаларининг натижасини он-лайн равишда (интернет орқали) текширишлари ва аризаларининг саралангани ёки йўқлигини аниқлашлари мумкин. Голиблар, аввалгидек, ютганлари ҳақида хабарномаларни почта орқали олишади.

DV ВИЗАСИ УЧУН РЎЙХАТДАН ЎТИШ ДАВРИ

DV 2010 турли миллатларга мансуб иммигрантлар учун визалар лотереясига аризалар электрон шаклда Шарқий Кун Вақти (EDT) (GMT-4) билан 2008 йил 2-октябрь, Пайшанба кuni соат 12:00 дан бошлаб, Шарқий Стандарт Вақт (EST) (GMT-5) бўйича 2008 йил, 1-декабрь, Якшанба кuni соат 12:00 гача топширилиши керак. Иштирокчилар турли миллатларга мансуб иммигрантлар учун виза аризасини рўйхатга олиниш вақти давомида www.dvlottery.state.gov веб-саҳифасида топшиллари мумкин. Аризалар қозғоз нусхада қабул қилинмайди. Иштирокчиларга рўйхатга олиниш даврининг сўнгги ҳафтасигача кутиб ўтирмаслик маслаҳат берилади. Юқори талаб веб-саҳифа фаолиятининг секинлашувига олиб келиши мумкин. EST бўйича 2008 йил 1-декабр кuni соат 12:00дан сўнг ҳеч қандай ариза қабул қилинмайди.

ИШТИРОК УЧУН ТАЛАБЛАР

- DV лотереясида қатнашиш учун сиз руйхати берилган давлатлардан бирининг ҳудудида тугилган бўлишингиз керак. **[Вакиллари дастурда қатнашиши мумкин бўлган давлатларнинг минтака бўйлаб бўлинган руйхатини куриб чиқинг.](#)**

- **Худудида туғилган шахслар талабларга мувофиқ бўлган давлатда туғилганлар:** Кўп ҳолатларда бу сизнинг туғилган давлатингизни англатади. Аммо, талабларга жавоб беришнинг икки бошқа ҳолати мавжуд. Биринчиси, агар сиз аҳолиси талабларга номувофиқ давлатда туғилган бўлсангиз, лекин сизнинг турмуш ўртоғингиз маҳаллий аҳолиси катнашиш талабига мувофиқ давлатда туғилган бўлса, сиз ўз турмуш ўртоғингизнинг туғилган юртига тегишлиликни даъво қилишингиз мумкин, бунда сиз ва сизнинг турмуш ўртоғингиз тўлдирилган аризада бирга бўлиб, биргаликда виза олиб, бир вақтда АҚШга кириш шarti куйилади. Иккинчиси, агар сиз маҳаллий аҳолиси дастурда катнашиш талабига номувофиқ давлатда туғилган бўлсангиз, лекин сизнинг ота-онангиз у ерда туғилмаган бўлса ёки сизнинг туғилиш вақтингизда у ерда қонуний истиқомат қилувчи мақомида бўлмаган бўлса сиз ота-онангиздан бирининг туғилган давлатига, агар унинг маҳаллий аҳолиси DV-2010 дастурини қониқтирувчи давлат бўлса, тегишлиликни даъво қилишингиз мумкин.
- **Лотерея иштирокчиси бўлиш учун, сиз DV дастурнинг таълим ёки иш тажрибаси юзасидаги талабини қониқтиришингиз зарур.**

Таълим ёки иш тажрибаси: Сиз ўрта ЁКИ унга тенглаштирилиб, 12 йиллик бошланғич ва ўрта таълимни муваффақиятли тамомлаш деб белгиланувчи таълимга; ЁКИ сўнгги беш йил ичида энг камида икки йиллик тайёрлов ёки тажриба талаб қилувчи фаолиятда икки йиллик иш тажрибага эга бўлишингиз керак. Мувофиқ меҳнат малакасини аниқлаш учун АҚШ Меҳнат Департаментининг [O*Net OnLine](#) маълумотлар базаси қўлланилади. Мувофиқ меҳнат малакаси хусусида қўшимча маълумот учун [Тез-тез сўраладиган саволлар #13](#) га қаранг.

Агар сиз мазкур талабларни қондира олмасангиз, сиз DV дастурига ариза **ТОПШИРМАСЛИГИНГИЗ** керак.

DV-2010 ГА АРИЗА ТОПШИРИШ ТАРТИБИ

- Давлат Департаменти фақат тўлдирилган ва [рўйхатга олиш даврида](#) электрон шаклда www.dvlottery.state.gov га топширилган электрон турли миллатга мансуб иммигрантлар учун виза аризаларини қабул қилади.
- Ким топширганлигидан қатъий назар, агар шахс учун БИТТАДАН ортиқ ариза топширилган бўлса, мазкур шахснинг барча аризалари бекор қилинади. Сиз аризангизни ўзингиз тайёрлаб, топширишингиз ёки бошқалар сиз учун топшириши мумкин.
- Ариза муваффақиятли рўйхатдан ўтказилганда экранда сизнинг исмингиз, туғилган санангиз, тегишли давлат ва сана/вақт тамғасидан иборат бўлган тасдиқлов

саҳифаси пайдо бўлади. Сиз мазкур тасдиқ саҳифасини ўзингиз учун веб-браузерингизнинг “чоп этиш” функциясидан фойдаланиб, принтердан чиқариб олишингиз мумкин.

- Аризалар қоғоз шаклда қабул қилинмайди.
- Агар барча талаб қилинган суратлар топширилмаса, сизнинг аризангиз бекор қилинади. Қуйидаги шахсларнинг яқинда олинган суратлари электрон шаклда турли миллатларга мансуб иммигрантлар учун виза электрон аризаси билан топширилиши шарт:
 - Сиз
 - сизнинг турмуш ўртоғингиз
 - 21 ёшга етмаган ва турмуш қурмаган барча фарзандларингиз, жумладан барча туғишган фарзандлар ҳамда қонуний асранди ва ўғай фарзандлар, ҳатто фарзанд сиз билан истиқомат қилмаса ҳам ёки сизнинг фарзандингизнинг сиз билан бирга DV дастури бўйича кучиб кетиши ниятингиз булмаса ҳам.

Аллақачон АҚШ фуқароси ёки қонуний доимий резиденти бўлган фарзандингиз учун фотосурат топширишингиз талаб қилинмайди.

Гуруҳ ёки оилавий расмлар қабул қилинмайди; ҳар бир оила аъзоси учун алоҳида фото сурат бўлиши даркор. **Турмуш ўртоғингиз ва ҳар бир фарзанд учун талаб қилинаётган фото суратларни топширмаслик E-DV тизимида аризангиз тугалланмаган булиб қолишига сабаб бўлади. Ариза қабул қилинмайди ва қайта топширилиши зарур. Ҳар бир шахсга тегишли бўлган хақиқий суратларни E-DV тизимида тўғри киргизмаслик асосий номзоднинг четлатилиши ва виза суҳбати давомида барча визалар рад этилишига олиб келади.**

- Сизнинг, турмуш ўртоғингиз ва ҳар бир фарзандингизнинг рақамли фото сурати (тасвири) E-DV аризаси билан бирга он-лайн режимда топширилиши керак. Тасвир файли янги рақамли сурат олиш ёки тайёр фотосуратни рақамли сканерден ўтказиш орқали яратилиши мумкин.
- Суратлар эски ёки ўзгартирилган бўлса ёки қуйидаги тавсифланган талабларга мос бўлмаса, аризалар бекор қилиниб, виза рад этилиши мумкин.

Рақамли фотосурат (тасвир) топшириш учун курсатмалар

Тасвир файли қуйидаги тузилиш жиҳатлари ва техникавий жиҳатларга мувофиқ бўлиши ва қуйидаги икки услубдан бири орқали яратилиши мумкин.

- Янги рақамли фотосурат олиш
- Топширилаётган суратни рақамли сканердан ўтказиш.

Тузилиш жиҳатлари: Топширилган рақамли сурат қуйидаги тузилиш жиҳатларига мувофиқ бўлиши зарур, акс ҳолда ариза бекор қилинади.

- **Бошнинг ҳолати**
 - Суратга олинган шахс тўғри фотоаппаратга юзланиб туриши лозим.
 - Шахснинг боши юқорига, пастга ёки ён томонга бурилмаган бўлиши керак.
 - Шахснинг боши сурат юзасининг тахминан 50 фоизини қоплаб туриши зарур.

- **Фон**
 - Суратга олинаётган шахс холис оч рангли фон олдида туриши зарур.
 - Тук рангли ёки гулдор фон қабул қилинмайди

- **Фокус**
 - Сурат марказлашган (фокусда) бўлиши зарур.

- **Безаклар**
 - Суратга олинган шахс қора кўзойнак ёки чалғитувчи бошқа жисмлар тақиб тушган фотосуратлар қабул қилинмайди.

- **Рўмол ва бош кийимлар**
 - Рўмол ёки бош кийимдаги шахсларнинг фотосуратлари, агар бу диний эътиқодга боғлиқ бўлиб, ва шунда ҳам, иштирокчи юзининг ҳеч қайси қисмини бекитиб турмаган бўлсагина қабул қилинади,
 - Қабилага хос ёки диний хусусиятга эга бўлмаган бошқа бош кийимлардаги фотосуратлар қабул қилинмайди.
 - Ҳарбий, авиалиния ва бошқа хизматчиларнинг бош кийимдаги суратлари қабул қилинмайди.

- **Фото тузилиши**

24-бит ранг интенсивлигида туширилган рангли расмлар оқ-қора ёки кул-ранг гаммаларда туширилган 24-бит ранг интенсивлигидаги расмлардан кўра маъқулроқдир. Фото суратлар фотоаппаратдан компьютердаги файлга кўчирилиши ёки компьютердаги файлга сканер орқали ёзилиши мумкин. Сканердан фойдаланётган бўлсангиз, хоссалар True Color ёки 24-bit ранг режимида бўлиши керак. Рангли ёки оқ-қора (кулранг) фото суратлар, DV дастур талабларига кўра айнан шу хоссалар билан сканердан ўтказилиши керак. 24-бит интенсивлигидаги рангда сканердан ўтказилган оқ-қора ва кулранг суратлар учун фақат учта ранг ёки сурат хусусиятлари қўлланилади ва натижалар барибир қора, оқ ва кулранг бўлади. [Марҳамат, қуйидаги қушимча сканердан ўтказиш талабларини куриңг.](#)

Техник жиҳатлар: Топширилган рақамли фотосурат куйидаги жиҳатларга мувофик бўлиши лозим, ақс ҳолда тизим электрон DV аризасини автоматик тарзда рад этади ва жўнатувчига хабар беради.

- **Янги рақамли сурат олинishi.** Олинган янги рақамли сурат куйидаги талабларга жавоб бериши зарур:
 - Суратдаги файл формати: сурат JPEG форматда бўлиши зарур.
 - Сурат файлининг ҳажми: суратнинг файл ҳажми 240 (икки юз қирк) килобайтдан ошмаслиги зарур.
 - Сурат равшанлиги: баландликда 600 пиксель ва кенгликда 600 пиксель
 - Сурат ранги туйинганлиги: 24бит ранг {Эслатма: рангли фотосуратлар маъкул кўрилади, лекин оқ-қора ёки кулранг фотосуратлар қўлланилаётган бўлса, улар 24бит рангли режимда сканердан ўтказилиши зарур. Монохром фотосуратлар (ранг туйинганлиги 2 бит), 8бит рангли ёки 8 бит кулранг гаммадаги суратлар қабул қилинмайди. }
- **Топшириладиган фотосуратни сканердан ўтказиш.** Фотосурат сканердан ўтказилишидан аввал куйидаги талабларга жавоб бериши зарур:
 - Сканер равшанлиги: бир дюймга 150(dpi) нукта рашанликда сканердан утказилган.
 - Суратдаги файл формати: сурат JPEG форматда бўлиши зарур.
 - Сурат файлининг ҳажми: суратнинг ҳажми 240 (икки юз қирк) килобайтдан ошмаслиги зарур.
 - Сурат равшанлиги: 600x600 пиксель
 - Сурат ранги: DV дастури учун рангли сурат афзал кўрилади. Лекин оқ-қора ёки кулранг гаммадаги сурат фақат 24 бит хоссали режимда қўлланилиши мумкин.

АРИЗА

DV-2010 лотереясида катнашишнинг фақатгина бир йўли мавжуд. Сиз фақатгина www.dvlottery.state.gov веб сайтида мавжуд бўлган DV визаси учун электрон шаклдаги аризани (E-DV) топширишингиз зарур. Ариза формасини бутунлай тўлдира олмаслик унинг бекор қилинишига олиб келади. E-DV аризасини топширганлардан E-DV ариза формасига куйидаги маълумотларни киритишлари сўралади.

1. **ТЎЛИҚ ИСМ** – Фамилия, исм, шариф

2. **ТУҒИЛГАН САНА** – кун, ой, йил
3. **ЖИНС** – эркак ёки аёл
4. **СИЗ ТУҒИЛГАН ШАҲАР**
5. **СИЗ ТУҒИЛГАН ДАВЛАТ** – Давлат номи ҳозирги пайтда сиз туғилган жойга нисбатан қўлланилидиган ном булиши даркор.
6. **DV ДАСТУР УЧУН ДАВЛАТ МУВОФИҚЛИГИ ЁКИ ТЕГИШЛИЛИГИ** – Давлатингизнинг мувофиқлиги одатда сизнинг туғилган юртингиз билан бир хил бўлади. Сизнинг давлатингиз мувофиқлиги сизнинг каерда яшашингизга боғлиқ эмас. Агар сиз DV дастурида катнашишга ҳақли давлатда тугилмаган булсангиз, давлат тегишлилиги буйича курсатмаларни куздан кечиринг ва у ердан давлат тегишлилиги буйича сиз учун бирор имкониятлар мавжуд ёки мавжуд эмаслигини текшириб куринг. Давлат тегишлилиги буйича кушимча маълумотлар учун [Тез-тез Сураладиган Саволлар №1](#) ни укиб куринг.
7. **АРИЗА УЧУН ФОТОСУРАТ(ЛАР)** - Қаранг: [фотосуратлар учун техник мезонлар](#). Тегишли ҳолатларда, турмуш ўртоғингиз ва барча фарзандларингизнинг фото суратларини киритинг. Қаранг: [тез-тез сўралувчи савол № 11](#)
8. **ПОЧТА МАНЗИЛИ** – Кимга, Манзил 1-сатр, Манзил 2-сатр, Шахар, Туман/Вилоят/Давлат, Почта индекси, Мамлакат
9. **СИЗ БУГУН ЯШАЁТГАН МАМЛАКАТ**
10. **ТЕЛЕФОН РАҚАМИ (ихтиёрий)**
11. **ЭЛЕКТРОН ПОЧТА МАНЗИЛИ (ихтиёрий)**
12. **ШУ КУНГА ҚАДАР ТАЪЛИМ СОҲАСИДА ЭРИШГАН ЭНГ ЮҚОРИ БОСҚИЧИНГИЗ?** Сиз эришган энг юқори таълим даражангизни қуйидагилардан қайси **бири** намойиш қилишини белгиланг: (1) фақат бошланғич таълим (2) тўлиқсиз ўрта таълим, (3) тўлиқ ўрта таълим (4) касбий/ўрта махсус таълим (5) нотўлиқ олий маълумот (6) бакалавр (7) тугалланмаган магистратура (8) магистр (9) докторантура даражасида курслар (10) фан доктори
13. **ОИЛАВИЙ ҲОЛАТ** – Турмуш қурмаган, турмуш қурган, ажрашган, бева, қонунийлаштирилган алоҳида яшаш.
14. **БОЛАЛАР СОНИ:** Аризаларга турмуш ўртоғингиз, шунингдек турмуш

қурмаган ва 21 ёшдан кичик барча фарзандларингиз, жумладан ўз фарзандларингиз, қонуний асраб олган ва ўғай болаларингизнинг исми, туғилган санаси ва туғилган жойини, ҳатто қонуний жиҳатдан боланинг отаси (онаси) билан турмушда бўлмасангиз ва сизнинг турмуш ўртоғингиз ёки болангиз сиз билан бирга яшамаётган бўлса ва/ёки сиз билан бирга кўчиб кетмоқчи бўлмаса ҳам киритинг (АҚШ фуқароси ёки қонуний доимий резиденти булган фарзандларни киритманг). Турмуш қурган ва 21 ёш ёки ундан катта фарзандлар турли миллатларга мансуб иммигрантлар учун визада иштирок этиши мумкин эмаслигини унутманг. **Талабларга жавоб берувчи барча фарзандларни аризада кўрсатмаслик асосий аризачининг четлатилиши ва виза учун суҳбат вақтида барча визаларга рад жавоб берилишига сабаб бўлади.** [Тез-тез сураладиган савол №11 ни курунг.](#)

15. **ТУРМУШ ЎРТОҒИНГИЗ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ** – Исм, туғилган сана, жинс, туғилган шаҳар/жой, туғилган давлат, фотосурат. **Турмуш ўртоғингизни аризада кўрсатмаслик асосий номзоднинг четлатилиши ва виза учун суҳбат вақтида барча визаларга рад жавоб берилишига сабаб бўлади.**
16. **БОЛАЛАР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ** – исм, туғилган кун, жинс, туғилган шаҳар/жой, туғилган давлат, фотосурат. Юқоридаги #14-саволга кўра барча болаларингизни киритинг.

ИШТИРОКЧИЛАРНИНГ САРАЛАНИШИ

Компьютер барча мувофиқ аризалар орасидан тасодифий танлов орқали ғолибларни танлаб олади. Улар почта орқали 2009 йил май ва июль ойлари орасида хабардор қилиниб, АҚШга иммиграцияга оид тўловлар ҳақида маълумотларни ўз ичига олувчи йўриқномалар билан таъминланади. **Тасодифий танлов орқали танланганлар электрон почта орқали огоҳлантирилмайди. ТАНЛАНМАГАН шахслар ҳеч қандай хабарнома ОЛМАЙДИ.** АҚШ элчихоналари ва консулликлари ғолиб иштирокчилар рўйхатини бера олмайди. Ғолиб иштирокчиларнинг турмуш ўртоқлари ва 21 ёшдан кичик турмуш қурмаган болалари асосий аризачи билан бирга жўнаш ёки ортидан бориш мақсадида ҳам визалар учун муружаат қилишлари мумкин. DV-2010 визалари 2009 йил 1-октябрдан то 2010 йил 30-сентябргача берилади.

АҚШга иммиграция мақсадида Турли миллатларга мансуб иммигрантлар визасини олиш учун тасодифий танлов орқали танлаб олинганлар АҚШ қонунчилиги буйича БАРЧА мувофиқлик талабларига жавоб беришлари керак. Аризаларнинг куриб чиқилиши ва турли миллатларга мансуб иммигрантлар учун визаларининг ғолиб иштирокчилар ва уларнинг талабларга мувофиқ оила аъзоларига берилиши 2010 йил 30-сентябрь 24:00 га қадар амалга оширилиши ШАРТ. Мазкур

кундан сўнг ҳар қандай ҳолатда ҳам Турли миллатларга мансуб иммигрантлар учун визалар берилмайди ёки ўзгартиришлар маъқулланмайди; шу билан бирга, мазкур вақтдан сўнг оила аъзолари ҳам ўзлари рўйхатдан ўтган аризадаги асосий иштирокчига қўшилиш учун турли миллатларга мансуб иммигрантлар учун визаларни ололмайдилар.

АҚШга иммиграция мақсадида DV визасини олиш учун, тасодифий танлов орқали сараланган шахслар АҚШ Иммиграция Конунчилигига мувофиқ ҳамма талабларга жавоб беришлари шарт. Бу талаблар мазкур йўриқномада кўрсатилган айрим мамлакатларда туғилган кишилар, шу жумладан, терроризм ҳомийлари деб тайинланган давлатларда туғилган кишиларнинг аризалари янада мукамалроқ текширилишига ва кўриб чиқиш жараёнининг давомийлиги узокроқ бўлишига олиб келиши мумкин.

МУҲИМ ИЗОҲ

Йиллик DV дастурнинг электрон лотереяси аризаси учун ҳеч қандай ҳақ олинмайди. АҚШ Ҳукумати DV дастурини бошқариши ва уни амалга ошириши учун ташиқаридан ҳеч қандай маслаҳатчи ва хусусий ташиқлотларни ёлламайди. DV аризаларини тайёрлашда ёрдамни таклиф қилувчи ҳар қандай воситачилар ёки бошқалар буни АҚШ ҳукуматининг ваколатисиз ёки розилигисиз қилишади. DV аризасини тайёрлашда ташиқи воситачиларни ёки ёрдамни қўллаш бутунлай иштирокчининг ихтиёрида.

Бевосита иштирокчи томонидан электрон кўринишда топширилган талабга мувофиқ ариза билан иштирокчининг аризасини ҳақ эвазига тўлдирувчи воситачи киритган электрон аризанинг Кентукки Консуллик Марказидаги компьютернинг танлаши олдида имконияти баробар. Лотереяга рўйхатдан ўтиши даври давомида қабул қилиб олинган ҳар бир аризанинг ўз минтақасида тасодифий танлов орқали танланиши имконияти тенг. Лекин бир киши учун биттадан ортиқ ариза олиниши аризанинг манбаидан қатъий назар шахсни рўйхатдан четлатади.

ТЕЗ-ТЕЗ СЎРАЛАДИГАН САВОЛЛАР

- 1. “МУВОФИҚЛИК”, “ХУДУДИДА ТУГИЛГАН” ВА “ТЕГИШЛИЛИК” ИБОРАЛАРИ НИМАНИ АНГЛАТАДИ? МУВОФИҚ ДАВЛАТДА ТУГИЛМАГАН ШАҲС АРИЗА БЕРИШИ МУМКИН БЎЛГАН ҲОЛАТЛАР БОРМИ?**

Давлатингизнинг мувофиқлиги одатда туғилган давлатингиз билан бир хил бўлади. Давлатингиз мувофиқлиги қаерда яшашингиз билан боғлиқ эмас. **Худудида туғилган шахс** ибораси одатда кимнингдир бирор давлатда

туғилганини англатади ва мазкур шахснинг ҳозир яшаётган давлати ва фуқаролигининг аҳамияти йўқ. Иммиграция масалаларида эса, Иммиграция ва фуқаролик ҳақида Қонун 202(б) бўлимига кўра “ҳудудида туғилган” атамаси маълум бир шахс туғилган давлатдан ташқари у “тегишли” бўлган давлатни ҳам назарда тутиши мумкин.

Масалан, агар сиз мазкур йилдаги DV дастурига мувофиқ бўлмаган давлатда туғилган бўлсангиз, сиз турмуш ўртоғингиз туғилган давлатга **тегишлиликни** даъво қилишингиз мумкин, лекин сизнинг турмуш ўртоғингиз DV-2 олишга мувофиқ бўлмагунга қадар сиз DV-1 олмайсиз ва шу билан бирга, сиз турмуш ўртоғингиз билан бирга визаларни олгандан сўнг Америка Қўшма Штатларига бир вақтда киришингиз керак. Шу тарзда балоғатга етмаган фарзанд ота-она туғилган давлатга “тегишлилик” даъво қилиши мумкин.

Ва ниҳоят, агар сиз мазкур йилдаги DV дастурига мувофиқ бўлмаган давлатда туғилган бўлсангиз, фақат ота-онангизниг бирортаси ҳам туғилишингиз пайтида номувофиқ давлатда истиқомат қилувчи мақомида булмаганлиги шарти билан сиз ота-онангиздан бирининг туғилган давлатига “тегишли” бўлишингиз мумкин. Умуман, агар одамлар маълум давлатда туғилмаган ёки қонуний фуқаро бўлмай туриб бу давлатга шунчаки келган, вақтинчалик ўқиш учун ёки ташкилот, давлат номидан мутахассислик ёки бизнес сабаблари туфайли яшаб турган бўлса, улар давлатнинг қонуний истиқомат қилувчиси ҳисобланмайди.

Агар сиз бошқа давлатга **тегишлиликка** даъво қилсангиз, сиз мазкур маълумотни E-DV электрон он-лайн аризасининг б-саволида кўрсатиб ўтишингиз **даркор**. Илтимос, огоҳ бўлинг, берилаётган **мувофиқлик** ёки **тегишлилик** давлати нотўғри бўлса (асосланган даъво қилиб бўлмайдиган), бу сизнинг аризангизниг бекор қилинишига олиб келиши мумкин.

2. **МАЗКУР ЙИЛ ТУРЛИ МИЛЛАТЛАРГА МАНСУБ ИММИГРАНТЛАР УЧУН ВИЗАЛАР УЧУН РЎЙХАТГА ОЛИШ ЖАРАЁНИДАГИ МУРОЖААТ ТАРТИБИДА БИРОР ЎЗГАРИШ ЁКИ ЯНГИ ТАЛАБЛАР БОРМИ?**

DV-2010 бўйича, аризангиз топширилганини тасдиқловчи варақдаги маълумотлардан фойдаланиб, аризангизнинг ҳолатини текшириб туришингиз мумкин. Бу тасдиқловчи маълумотлар сизга фақатгина бир марта - ариза топшираётган вақтда - экранда кўрсатилгани учун, бу варақни кейинчалик фойдаланиш учун компьютердан чоп этиб олиш ёки ундаги маълумотларни ўзингиз учун ёзиб олиш ўта муҳим. Агар бу маълумотни йўқотсангиз, аризангиз муваффақиятли сараланганда, барибир Кентуккидаги Консуллик Бўлимидан ютганингиз ҳақида почта орқали хат оласиз. Сараланмаган бўлсангиз ҳеч қандай хабарнома олмайсиз, лекин аризангиз ҳолатини ўзингиз

тасдиқлов варақангиздаги маълумотлардан фойдаланиб, интернетда текширишингиз мумкин.

Сурат хажми бўйича талаблар оширилди ва DV-2010да 600 га 600 пиксель қилиб белгиланди. Илгари ишлатилган эски суратлар DV-2010 учун қайта ишлатилиши мумкин эмас. Фақат рангли расмлар топширилиши мумкин. Оқ-қора расмлар қабул қилинмайди.

3. ИМЗО ВА РАСМЛАР ҲАР БИР ОИЛА АЪЗОСИДАН ТАЛАБ ҚИЛИНАДИМИ ЁКИ ФАҚАТ ИШТИРОКЧИНИНГ ЎЗИДАНМИ?

Электрон Турли миллатларга мансуб иммигрантлар учун виза аризасида имзолар талаб қилинмайди. Сиз, турмуш ўртоғингиз ва 21 ёшдан кичик барча болаларингизнинг яқинда олинган шахсий фотосуратлари талаб қилинади. Оила ёки гуруҳ фото суратлари қабул қилинмайди. [Фотосуратларга талаблар](#) хусусида мазкур бюллетеннинг 2-бетидаги маълумотга қаранг.

4. НЕГА БАЪЗИ ДАВЛАТЛАРДА ТУҒИЛГАН ШАХСЛАР ТУРЛИ МИЛЛАТЛАРГА МАНСУБ ИММИГРАНТЛАР УЧУН ВИЗАЛАР ДАСТУРИГА МУВОФИҚ ЭМАС?

Турли миллатларга мансуб иммигрантлар учун визалар АҚШга кўп сонли иммигрантлар жўнатувчи мамлакатлардан бошқа давлатлардан бўлган шахсларга иммиграция имкониятини беришга қаратилган. Қонунда белгиланишича, туғилган давлатларидан “кўп қабул қилинган” шахсларга турли миллатларга мансуб иммигрантлар учун визалар берилмайди. Қонунда белгиланишича, бу давлатлар сирасига худудидан оилавий ва меҳнат виза тоифаларида АҚШга сўнгги беш йил давомида жами 50000 та одам кўчиб келган мамлакатлар киради. Ҳар йили USCIS худудида туғилган шахслар турли миллатларга мансуб иммигрантлар виза лотереяси учун номувофиқ давлатларни аниқлаш учун сўнгги беш йил ичидаги оилавий ва меҳнат иммигрантлари сонини кўшиб, ҳисоблаб чиқади. Ҳар йилги E-DV аризалари вақтидан олдин алоҳида қарор қабул қилинганлиги сабабли худудида туғилган шахслар мувофиқ бўлмаган давлатлар рўйхати йилдан-йилга ўзгариб туради.

5. DV-2010 УЧУН ВИЗАЛАР ЧЕКЛОВИ РАКАМЛАРДА КАНДАЙ ИФОДАЛАНАДИ?

Қонунга кўра АҚШнинг турли миллатларга мансуб иммигрантлар дастури мувофиқ инсонлар учун энг кўпи 55000 та доимий резидентлик визаларини ажратади. Бироқ, 1997 йил Конгресс томонидан қабул қилинган “Никарагуани қайта тиклаш ва Марказий Америкага ёрдам тугрисида” ги Қонунга (NACARA) кўра DV-1999 бошланишидан ва зарурият мавжудлигигача ҳар йили ажратилувчи 55000 турли миллатларга мансуб иммигрантлар учун визалардан 5000 тагачаси NACARA дастури остида фойдаланилиши қарор

килинди. Визалар сонини камайтириш амалда DV-2000 дан бошланди ва бу холат DV-2010 да ҳам сақланиб қолиши эҳтимолга яқин.

6. DV-2010 УЧУН АЖРАТИЛГАН ТУРЛИ МИЛЛАТЛАРГА МАНСУБ ИММИГРАНТЛАР УЧУН ВИЗАЛАРНИНГ МИНТАҚАЛАР БЎЙИЧА ЧЕКЛОВЛАРИ ҚАНЧА?

Иммиграция ва фуқаролик Актининг (INA) 203(с)-бўлимида белгиланган формуладан фойдаланиб, АҚШ Фуқаролик ва иммигрантлик хизматлари (USCIS) ҳар йил учун DVнинг минтақавий чекловларини аниқлайди. USCIS ўз ҳисоб-китобларини тугаллаши билан минтақалар бўйича визалар чекловлари эълон қилинади.

7. DV-2010 ДАСТУРИ УЧУН АРИЗАЛАРИ ҚАЧОН ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ?

DV-2010 аризаларини қабул қилиш [рўйхатга олиш даврида](#) амалга оширилади. Ҳар йили миллионлаб одамлар рўйхатга олиш даври давомида дастурда қатнашишади. Аризаларнинг кўплиги муваффақиятли шахсларни танлаш ва қабул қилиш жараёнида жуда катта ҳажмдаги ишни юзага келтиради. Аризалар қабул даврини октябрь, ноябрь ва декабрь ойлари давомида олиб бориш, танлаб олинганларни ўз вақтида огоҳлантиришни ва виза иштирокчилари ҳамда бизнинг элчихона ва консуликларимиз виза бериш тартибини тугаллаши учун етарли вақтга эга бўлишларини таъминлайди. Барвақт рўйхатдан ўтишингизни маслаҳат берамиз. Рўйхатга олиш даврининг сўнггида ҳаддан ташқари талаб тизимни секинлатиб қўйиши мумкин. 2008 йил 1-декабрь якшанба куни EST бўйича 12:00 дан сўнг ҳеч қандай аризалар қабул қилинмайди.

8. АҚШДАГИ ШАХСЛАР ҲАМ ДАСТУРДА ИШТИРОК ЭТИШИ МУМКИНМИ?

Ҳа, аризачи АҚШ ёки бошқа давлатда бўлиши мумкин ва ариза АҚШ ёки чет элдан ҳам топширилиши мумкин.

9. ЙИЛЛИК E-DV РЎЙХАТГА ОЛИШ ДАВРИДА ҲАР БИР ИШТИРОКЧИ ФАҚАТ БИТТА АРИЗА ТЎЛДИРИШГА ҲАҚЛИМИ?

Ҳа, қонун бўйича ҳар рўйхатга олиш даврида бир шахс учун фақат битта аризага руҳсат берилган. **Номидан биттадан ортиқ ариза топширилган шахслар дастурдан четлаштирилади.** Давлат Департаменти рўйхатга олиш даври мобайнида бирдан ортиқ аризалар топширган шахсларни аниқлаш учун мураккаб технология ва бошқа воситаларни қўллайди. Бирдан ортиқ аризалар топширган шахслар дастурдан четлатилиб, Давлат Департаментида электрон маълумот доимий равишда сақлаб қўйилади. Одамлар ҳар йили мунтазам рўйхатга олиш даврида иштирок этишлари мумкин.

10. ЭР ВА ХОТИН АЛОҲИДА АРИЗА ТОПШИРИШИ МУМКИНМИ?

Ҳа, агар эр билан хотиннинг ҳар бири мувофиқлик талабларини қондира олса, алоҳида ариза топшириши мумкин. Агар бири танланса, иккинчиси яқин қариндош сифатида утиш ҳукуки булади.

11. E-DV АРИЗАМГА ОИЛА АЪЗОЛАРИМНИНГ ҚАЙСИЛАРИНИ КИРИТИШИМ КЕРАК?

Аризангизга турмуш ўртоғингизни, яъни эр ёки рафиқа, ҳамда 21 ёшга етмаган ва турмуш қурмаган барча фарзандларингизни (АҚШ фуқароси ёки қонуний доимий резиденти бўлганларидан ташқари) киритишингиз зарур. Сиз ҳатто ҳозирги пайтда турмуш ўртоғингиздан алоҳида яшаётган бўлсангиз ҳам уни аризангизга киритишингиз зарур (агар алоҳида яшашларингиз суд томонидан тан олинган ёки суд буйругига асосланган булмаса). Агар сиз қонуний жиҳатдан алоҳида яшаётган ёки ажрашган бўлсангиз, собиқ турмуш ўртоғингизни аризага киритмайсиз. **Турмуш қурмаган ва 21 ёшдан кичик** туғишган фарзандларингиз, турмуш ўртоғингизнинг фарзандлари, ёки давлатингизнинг қонунларига мувофиқ равишда расмий асраб олган **БАРЧА фарзандларингизни киритишингиз шарт**, бироқ АҚШ фуқароси ёки қонуний доимий резиденти бўлган фарзандларингиз бундан мустаснодир. **Ҳатто 21 ёшдан кичик болаларингиз сиз билан бирга яшамаса ёки уларнинг DV дастур буйича иммиграция қилишини кўзламасангиз ҳам уларни аризага киритинг.**

Аризангизга оила аъзоларингизни киритганингиз уларнинг кейин сиз билан бирга иммиграция қилиши мажбурий эканлигини билдирмайди. Улар қолишга қарор қилишлари ҳам мумкин. Бироқ, агар сиз қармоғингиздаги оила аъзосини дастлабки аризангизга киритмай туриб, виза олиш анкетасига киритсангиз, сизнинг аризаларингиз бекор қилинади. Бу ҳолат фақат дастлабки ариза топширилган вақтдаги оила аъзоларига тегишли бўлиб, кейин қўшилганларга тааллуқли эмасдир. Сизнинг турмуш ўртоғингиз сизнинг аризангизга киритилганига қарамасдан алоҳида аризасини топшириши мумкин ва шу билан бирга иккала ариза ҳам оилангиз қармоғидаги барча оила аъзолар ҳақида маълумотларни ўз ичига олган бўлиши керак. Юқоридаги савол #10 га қаранг.

12. ҲАР БИР ШАХС ЎЗИНИНГ АРИЗАСИНИ ШАХСАН ЎЗИ ТОПШИРИШИ ШАРТМИ, ЁКИ КИМДИР БОШҚА ШАХС НОМИДАН ИШ ОЛИБ БОРИШИ МУМКИНМИ?

Одамлар аризаларини ўзлари тайёрлаб топширишлари, ёки кимгадир топширтиришлари мумкин. Аризани бевосита шахс томонидан топширилиши,

ёки юрист, дўст, қариндош ва бошқалар томонидан ёрдам берилишидан қатъий назар, бир шахс номидан фақатгина битта ариза топширилиши мумкин бўлиб, ва фақатгина шу шахснинг узи аризасидаги маълумотнинг тўғри ва тўлиқлигига жавобгар бўлиб қолади. Агар аризаси танланган бўлса, хабарнома хати **фақат** аризада кўрсатилган манзилга юборилади.

13. ТАЪЛИМ ЁКИ ИШ МАЛАКАСИГА ҚАНДАЙ ТАЛАБЛАР ҚЎЙИЛАДИ?

Қонун ва меъерий ҳужжатлар талабига кўра ҳар бир иштирокчи энг камида ўрта ёки унга тенглаштирилган таълимга, ёки сўнгги беш йилда икки йиллик малака ёки таълим талаб қилувчи ишда икки йиллик тажрибага эга бўлиши керак. “Ўрта ёки унга тенглаштирилган таълим” тушунчаси, Америка Қўшма Штатларида бошланғич ва ўрта таълимдан иборат ўн икки йиллик ўқишни муваффақиятли ниҳоялаш ёки бошқа давлатда Қўшма Штатлардаги ўрта таълимга тенг расмий бошланғич ва ўрта таълимни муваффақиятли тамомлашни билдиради. Фақат расмий талим йўналишлари шу талабга жавоб беради, сиртқи таълим еки тенглаштирилган таълим гувоҳномалари қабул қилинмайди. Таълим ёки иш тажрибасининг ҳужжатлаштирилган далили виза учун суҳбат вақтида консуллик ходимига кўрсатилиши керак. Меҳнат малакасининг мувофиқлигини аниқлаш учун Меҳнат Департаментининг [O*Net OnLine](#) маълумотлар базасидан фойдаланилади.

Қайси касблар турли миллатларга мансуб иммигрантлар учун визалар дастурига мос келади?

Меҳнат малакасининг мувофиқлигини аниқлаш учун Меҳнат Департаментининг [O*Net OnLine](#) маълумотлар базасидан фойдаланилади. Меҳнат Департаментининг (МД) [O*Net Online Database](#) маълумотлар базасидаги меҳнат малакаси гуруҳлари бешта “иш соҳаларига” бўлинади. МД веб саҳифасида кўплаб касблар санаб ўтилганига қарамасдан, фақатгина бир неча касблар турли миллатларга мансуб иммигрантлар учун визалар дастури талабини қондиради. Меҳнат малакангизга асосланиб, турли миллатларга мансуб иммигрантлар учун визага мувофиқ бўлиш учун сиз **Махсус Касбий Тайёргарлик (SVP) доирасида 7.0 ёки ундан юқори гуруҳга киритилган Иш Соҳаси 4 ёки 5 деб белгиланган ишда** икки йиллик малакага эга бўлишингиз керак.

Меҳнат Департаментининг веб-сайтидан Мувофиқ Касбларни қандай қилиб топаман?

DV га мувофиқ касблар Меҳнат Департаментининг [O*Net Online Database](#) маълумотлар базасида кўрсатилган. Касбингизнинг мувофиқлигини билиш учун қуйидаги тартибда иш тутинг: “Find Occupations” (Касбларни топиш) га

кириб, у ерда махсус бўлим “Job Family” (касбий соҳа) ни танланг. Масалан, «Architecture and Engineering» (Архитектура ва Муҳандислик) ни танлаб “GO”ни (Қидирув) босинг. Сунгра, аник бир Касбни танланг. Юқоридагига мисолга ўхшаш, «Aerospace Engineering» (Аэрокосмос муҳандислиги) ни танланг. Махсус касб бўлимини танлаганингиздан сўнг, махсус Иш Зонасининг рақами ва Махсус Касбий Тайёргарлик (SVP)даги рейтинг баҳоланишини билиш учун “Иш Зона”сини танланг.

14. МУВАФФАҚИЯТЛИ ИШТИРОКЧИЛАР ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ТАНЛАБ ОЛИНАДИ?

Кентукки Консуллик Марказида ҳар бир минтақадан қабул қилиб олинган аризалар алоҳида рақамланади. Рўйхатга олиш даври тугагандан сўнг, компьютер ҳар бир географик минтақа бўйича қабул қилиб олинган аризаларини тасожифий танлаш йўли билан саралаб олади. Ҳар бир минтақа ичида биринчи танлаб олинган ариза рўйхатдан ўтган биринчи иш бўлиб, иккинчиси эса иккинчи бўлиб рўйхатдан ўтган ҳисобланади ва ҳ.к. Рўйхатга олиш даврида қабул қилинган барча аризаларнинг ўз минтақаси ичида танлаб олиниш имконияти тенг. Ариза танлаб олинганда, Кентукки Консуллик Маркази иштирокчига виза аризасига йўриқномалар билан хабарнома хатини жўнатади. Кентукки Консуллик Маркази, то визага ариза берувчи бўлиб танланганлар АҚШ консуллигига виза учун суҳбатга келишлари хусусида йўл-йўриқ олмагунгача ёки Америка Қўшма Штатлардаги мавқеини ўзгартиришга мувофиқ бўлганлар маҳаллий USCIS муассасасига мурожаат қилмагунларига қадар ишни олиб боришда давом этаверади.

Муҳим эслатма: Лотереяда танланганларга хабарномалар электрон почта орқали жўнатилмайди. E-DV танлови хусусида электрон почта орқали хабарнома олсангиз, мазкур хабарнинг қонуний эмаслигидан огоҳ бўлинг.

15. ТАНЛАНГАНЛАР ЎЗ МАВҚЕЛАРИНИ USCIS ОРҚАЛИ ЎЗГАРТИРИШЛАРИ МУМКИНМИ?

Ҳа, агар улар мавқеларини INA 245-бўлими шартларига кўра ўзгартиришлари мумкин булса, жисмонан Қўшма Штатларда бўлган танлаб олинган шахслар, ўз ҳолатини доимий резидентга ўзгартириш учун USCIS га мурожаат қилишлари мумкин. Ариза берувчилар USCIS 2010 йил 30-сентябргача ўз ишлари, жумладан хориждаги яқин қариндошлари бўйича жараёнларни тугата олишини таъминлаши шарт, чунки мазкур кунда DV-2010 дастури учун рўйхатга олиш тугайди. Хеч қандай ҳолатда ҳам 2010 йил 30-сентябрь 24:00 дан сўнг DV-2010 дастури учун хеч қандай виза рақамлари берилмайди.

16. ТАНЛАНМАГАН ИШТИРОКЧИЛАР ОГОҲЛАНТИРИЛАДИМИ?

DV-2010дан бошлаб, барча мурожаат этувчилар, шу жумладан сараланмаганлар ҳам, ўзларининг аризалари натижасини E-DV веб саҳифаси орқали текширишлари мумкин. Мурожаат этувчилар аризаларини топшириш даврида (2008 йил, 2 октябрдан - 2008 йил, 1 декабргача) олган тасдиқловчи варақаларини ўз аризаларнинг натижасини интернетда текширгунларича сақлашлари керак. DV-2010 аризаси натижаси ҳақидаги маълумотлар 2009 йил, 1 июлдан - 2010 йил, 30 июнгача бўлган муддат давомида интернетда эълон қилинади. Ҳамма ютуқ хабарномалари аризангизда берилган манзилга, топшириш муддати тугагандан сўнг беш ойдан етти ойгача бўлган вақт оралигида жўнатилади.

17. НЕЧА НАФАР КАТНАШЧИЛАР САРАЛАБ ОЛИНАДИ?

DV-2010 учун 50000 та DV виза ажратилган, бироқ сараланадиганлар сони бундан ортиқ бўлади. Чунки биринчи танланган 50000 та одамнинг баъзилари виза талабларига жавоб бермасликлари ёки ишларини виза олиш даражасигача давом эттира олмасликлари эҳтимоли мавжуд. Шу сабабли, барча DV визалари ишлатилишини таъминлаш учун Кентукки Консуллик Маркази 50000 дан ортиқроқ аризаларни танлаб олади. Аммо, бу ҳолат дастлабки танланганлар учун визалар етмай қолиши мумкинлигини ҳам англайди. Барча танланган иштирокчилар рўйхатдаги ўз ўринлари хусусида тезлик билан хабардор қилинади. DV-2010 дастури учун суҳбатлар 2009-йил октябридан бошланади. Кентукки Консуллик Маркази танланган иштирокчиларга хорижда жойлашган АҚШ консулликлари ходимлари билан белгиланган суҳбатдан 4-6 ҳафта олдин учрашув хатларини жўнатади. Ҳар ойда уша вақтда виза олишга тайёр иштирокчилар учун, визалар мавжуд микдори йул куйса, визалар берилади. Барча 50000 та DV визалари берилиб бўлингач, шу йилги дастур ниҳоясига етади. Амалда, визалар 2010-йил сентябрдан олдин тарқатилиб бўлиши ҳам мумкин. Виза олишни ҳоҳловчи танланганлар тез ҳаракат қилишга тайёр бўлишлари керак. **Кентукки Консуллик Марказидаги компьютернинг тасодифий танлов орқали саралаб олиши сизга автоматик равишда виза олишингизга кафолат бермайди.**

18. E-DV ДАСТУРИДА ИШТИРОК ЭТУВЧИЛАР УЧУН ЭНГ КАМ ЁШ ЧЕГАРАСИ МАВЖУДМИ?

Дастурда иштирок этиш учун минимум ёш чегара талаби йўқ, бироқ ҳар бир иштирокчи учун ариза қабул қилиш вақтида қўйилган ўрта таълим ёки иш малакасига эга бўлиш талаби 18 ёшдан кичик бўлган кўпчилик шахсларни самарали четлатади.

19. E-DV ДАСТУР УЧУН ТЎЛОВЛАР УНДИРИЛАДИМИ?

Электрон аризани топшириш учун ҳеч қандай тўлов ундирилмайди. DV иштирокчилари, виза аризасини топшириш жараёнидагина виза тўловларини бевосита элчихона ёки консулликдаги консуллик ғазначисига тўлаши зарур. Зарур турли миллатларга мансуб иммигрантлар визаси ва иммиграцион виза аризаси тўловлари ҳақида тафсилотлар Кентукки Консуллик Маркази танланган иштирокчиларга жўнатган йўриқномалари ичида бўлади.

20. DV АРИЗАЧИЛАРИ ВИЗА УЧУН НОМУВОФИҚЛИК МЕЗОНЛАРИДАН ОЗОД ҚИЛИНАДИМИ ЁКИ ОЗОД ҚИЛИНИШ АРИЗАЛАРИ АЛОҲИДА КЎРИБ ЧИҚИЛАДИМИ?

Аризачилар “Иммигрантлик ва фуқаролик ҳақидаги” Қонунда белгиланган иммигрантлик визалари учун барча мезонларга жавоб бериши зарур. Қонундан белгиланганидан ташқари виза талабига номувофиқликдан озод қилиш ёки озод қилиниш ҳақида аризаларни алоҳида кўриб чиқишга оид махсус моддалар йўқ. Некоторые общие положения при отказе в выдаче визы для людей с близкими родственниками, являющимися гражданами США или Постоянными Резидентами США, могут быть доступны также для заявителей по DV, но ограничения во времени по программе DV могут усложнить процесс воспользования этими положениями.

21. БОШҚА ТОИФАДАГИ ИММИГРАНТЛИК ВИЗАСИ УЧУН РЎЙХАТИДАН ЎТГАН ШАХСЛАР DV ДАСТУРДА ИШТИРОК ЭТИШЛАРИ МУМКИНМИ?

Ҳа, бундай шахслар DV дастурида иштирок этишлари мумкин.

22. ТАНЛАНГАН АРИЗАЧИЛАР ҚАНДАЙ МУДДАТ ДАВОМИДА DV ТОИФАСИДАГИ ВИЗА УЧУН АРИЗА БЕРИШГА ҲАҚЛИ?

DV-2010 лотереясида танланган шахслар виза берилиши учун фақат 2010 солиқ йили давомида, яъни 2009 йил 1 октябридан 2010 йил 30 сентябригача мурожаат қилиши мумкин. **Аризачилар молиявий йилнинг охиригача DV-визаси олиши ёки мавқеини ўзгартириши зарур.** Танланган лекин 2010 солиқ йилида виза олмаган шахсларнинг DV ҳуқуқлари кейинги йилга ўтказилмайди. Бундан ташқари, DV-2010 рўйхати орқали оила аъзолари визаларини олувчи турмуш ўртоқлар ва болалар DV тоифасидаги визаларни фақат 2009 йил октябрь ва 2010 йил сентябрь ойлари орасида олиши мумкин. Хорижда ариза берган аризачилар белгиланган консулликка ташриф кунидан тўрт ҳафтадан олти ҳафтагача олдин муддат орасида Кентукки Консуллик

Марказидан ташриф куни ҳақида хат олишади.

23. АГАР E-DV ДА ТАНЛАНГАН ШАХС ВАФОТ ЭТСА, DV ИШИГА НИМА БЎЛАДИ?

Лотереяда танланган шахсининг вафоти DV ишининг автоматик равишда бекор қилинишига олиб келади. Ҳеч қайси мувофиқ турмуш ўрток ва/ёки болаларга мазкур иш бўйича DV визаси берилмайди.

24. ҚАЧОН ОН-ЛАЙН E-DVдан ФЙДАЛАНИШГА ИМКОН БЎЛАДИ?

Он-лайн аризадан 2008 йил 2-октябрь Шаркий Кун Вакти (GMT-4) бўйича 12:00 дан бошлаб 2008 йил 1-декабр Шаркий Стандарт Вакт (GMT-5) бўйича 12:00 гача бўлган [рўйхатга олиш даври](#) давомида фойдаланиш мумкин бўлади.

25. МЕН E-DV АРИЗАСИНИ КЎЧИРИБ, MICROSOFT WORD ФОРМАТИДА (ЁКИ БОШҚА МОС ДАСТУР) САҚЛАБ ҚЎЙИШИМ ВА КЕЙИН ТЎЛДИРИШИМ МУМКИНМИ?

Йўқ, сиз формани бошқа дастурда сақлаб қўйиб, кейин тўлдириб, топширишининг имкони йўқ. E-DV ариза формаси веб шаклида холос. Бу анкетанинг бировнинг интеллектуал мулки булган матн редакторларига чекламасдан, ишлатилишида енгиллик тугдиради. Бундан ташқари унда ахборот он-лайн режимида киритилиши ва топширилиши талаб қилинади.

26. АГАР МЕНДА СКАНЕРДАН ФЙДАЛАНИШ ИЛОЖИ ЙЎҚ БЎЛСА, МЕН ФОТОСУРАТЛАРНИ АҚШДАГИ ҚАРИНДОШИМГА ЖЎНАТИБ, СКАНЕРДАН ЎТКАЗТИРИБ, ДИСКЕТАГА ЁЗДИРИБ ВА МЕНГА ПОЧТА ОРҚАЛИ ЖЎНАТГАНИДАН СЎНГ ТОПШИРСАМ БЎЛАДИМИ?

Ҳа, фотосурат йўриқномадаги талабларга жавоб берса ва E-DV аризаси билан бир вақтда электрон шаклда топширилса, бунга йўл қўйилади. Аризачилар фотосуратни аввалдан сканердан ўтказиб қўйиб, сўнг унинг файлини он-лайн режимида анкета билан топширишлари лозим. Фотосуратни он-лайн аризадан алоҳида топшириш мумкин эмас. Ҳар бир киши томонидан ёки унинг номидан фақат битта он-лайн ариза топширилиши мумкин. Биттадан ортиқ топширишлар мазкур кишини DV-2010да иштирокдан четлатади. Бутун ариза (фотосурат ва анкета биргаликда) АҚШ ёки хориждан электрон тарзда топширилиши мумкин.

27. МЕН АНКЕТАНИ ОН-ЛАЙН РЕЖИМДА САҚЛАБ ҚЎЙИШИМ, БИР КИСМИНИ ТУЛИДИРИБ ВА КЕЧРОҚ КАЙТИБ КЕЛИБ, ҚОЛГАНИНИ ТЎЛДИРИШИМ МУМКИНМИ?

Йўқ, бунга йўл қўйилмайди. E-DV аризаси шундай тузилганки, у бирданига тўлдирилиши ва топширилиши зарур. Лекин ариза икки қисмдан иборатлиги ва тармоқда узилишлар ва кечикишлар бўлиши сабабли, E-DV тизими аризани кўчириб олиш ва он-лайн топширилгандан сўнг E-DV веб-сайтида қабул қилиниши орасида олтмиш (60) дақиқагача вақт беради. Агар олтмиш дақиқадан кўпроқ вақт ўтса, ариза электрон шаклда олинмаса, олинган маълумотлар ўчириб ташланади. Бундай қилинишининг сабаби тўлиқ ариза тасодифан аввалги ярим тула аризанинг дубликати деб талқин қилинишига йул қуймасликдир. Масалан, турмуш уртоғи ва фарзанди бор аризачи E-DV аризасининг тўлдирилган биринчи қисмини жўнатади ва аризанинг иккинчи қисмини олади, лекин иккинчи қисмини жўнатишда боланинг сурати мавжуд файлни топа олмай, кечикиб қолади. Агар тўлдирилган иккинчи қисм олтмиш(60) дақиқа давомида аризачи томонидан жўнатилиб, E-DV тизими томонидан олинса, муаммо йўқ. Лекин аризанинг иккинчи қисми олтмиш (60) дақиқа ўтгандан кейин олинса, аризачи бутун аризани бошидан бошлаши лозимлиги ҳақида хабар олади. DV-2010 йўриқномасида аризага қандай маълумот киритилиши зарурлиги аниқ ва тўлиқ тушунтирилган. Шу тарзда сиз он-лайн режимда аризани тўлдиришни бошлашингиздан аввал ўзингизга зарур барча маълумотларни олганингизга ишонч ҳосил қилиб, тўлиқ тайёрланиб олишингиз мумкин.

28. АГАР ТОПШИРИЛГАН РАҚАМЛИ СУРАТЛАР ТАЛАБЛАРГА ЖАВОБ БЕРМАСА, ЎРНАТИЛГАН ТАРТИБГА КЎРА ТИЗИМ E-DV АРИЗА ФОРМАСИНИ АВТОМАТИК ТАРЗДА РАД ЭТАДИ ВА ЖЎНАТУВЧИНИ ОГОҲЛАНТИРАДИ. БУ МЕН ЎЗ АРИЗАМНИ КАЙТА ТОПШИРА ОЛИШИМНИ БИЛДИРАДИМИ?

Ҳа, ариза қайта топширилиши мумкин. Ариза автоматик тарзда рад этилганлиги у E-DV веб-сайтига қабул қилинган деб ҳисобланмаслигини билдиради. У топширилган E-DV аризаси деб ҳисобланмайди ва қабул қилинганини тасдиқловчи хабар ҳам жўнатилмади. Агар жўнатилган рақамли фотосурат билан муаммолар туғилса, у талабларга жавоб бермаганлиги сабабли E-DV веб-сайти томонидан автоматик тарзда рад этилади. Лекин рад хабари жўнатувчига етиш вақтини Интернет хусусиятларига кўра олдиндан айтиш қийин. Агар жўнатувчи муаммони ҳал қила олса ва олтмиш (60) дақиқа давомида аризанинг биринчи ёки иккинчи қисми қайта жўнатиб, муаммо йўқ. Акс ҳолда топшириш жараёнини қайтадан бошлаш зарур. Аризачи то тўлиқ ариза қабул қилиб олиниб, тасдиқ хабари жўнатишгунга қадар, неча марта зарур бўлса шунча марта ариза топширишга уринавериши мумкин.

29. ТЎЛДИРИЛГАН E-DV ФОРМАСИ ОН-ЛАЙН ТИЗИМИ ОРҚАЛИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИНГАНЛИГИ ҲАҚИДА ЭЛЕКТРОН ТАСДИҚ

ХАБАРИ ТОПШИРИЛГАНДАН СЎНГ ДАРҲОЛ ЕТИБ БОРАДИМИ?

Мувофиқ E-DV аризаси қабул қилинганини тасдиқловчи E-DV веб-сайтнинг жавоби дарҳол жўнатилади. Лекин жавоб хабари жўнатувчига етиш вақтини Интернет хусусиятлари туфайли олдиндан айтиш қийин. Агар “Submit (топшириш)” тугмасини босгандан сунг кўп вақт ўтган бўлса Submit тугмасини яна бир бор босишнинг зарари йўқ. Submit тугмаси қайта босилганда E-DV тизими чалқашмайди, чунки тасдиқлаш хабари ҳали олинмаган. Аризачи тўлиқ ариза қабул қилиниб, тасдиқ хабари жўнатишгунча аризани қайта-қайта топширишга ҳаракат қилиши мумкин. Бироқ, тасдиқловчи маълумотлар саҳифаси чиққандан сўнг ўзингизнинг маълумотларингизни қайта киритманг.

30. МЕН ТАНЛАНГАНИМ ҲАҚИДА ХАБАРНОМА ҲАҚИҚИЙЛИГИНИ ҚАНДАЙ БИЛИБ ОЛАМАН? ҚАНДАЙ ҚИЛИБ МЕН РОСТДАН ҲАМ DV ЛОТЕРЕЯСИДА ТАСОДИФИЙ ТАНЛОВ ЙЎЛИ БИЛАН САРАЛАНГАНИМИНИ ТАСДИҚЛАТИШИМ МУМКИН?

Тасдиқлов варақангизни саклаб куйинг. Аризангиз натижасини расмий DV интернет саҳифасида электрон лотерея тугагандан сўнг текшириш мумкин (одатда Март ойида). Тасдиқлов варақангизни йўқотсангиз, DV аризангиз ҳолатини ўзингиз текшира олмайсиз, биз эса тасдиқлов варақангизни сизга такроран жўната олмаймиз. Голиб бўлсангиз, Кентукки Консуллик бўлимидан почта орқали 2009 йилнинг май ва июль ойлари оралигида аризангизда берилган манзилда хат оласиз. Фақатгина голиб инсонлар почта орқали хабардор қилинадилар. Сараланмаганлар аризаларининг натижасини ўзларининг тасдиқлов варақалари ёрдамида расмий DV интернет саҳифасида текширишлари мумкин, лекин улар почта еки электрон почта орқали ҳеч қандай қўшимча расмий хабар олишмайди. Биз тасдиқлов варақасидаги маълумотларни сизга қайтадан жўната олмаймиз. Агар тасдиқлов варақаларидаги маълумотни йўқотсангиз, сиз голиб бўлганингиз ҳақида маълумотни фақат почта орқали расмий хат олганингизда биласиз. АҚШ Элчихоналари ва Консуллик бўлимлари голиб бўлганлар ҳақида маълумотга эга бўлмайдилар.

Шахслар барча мувофиқ аризалар орасида Давлат Департаментининг E-DV лотереяси компьютер дастури томонидан тасодифий танлов йули билан саралангач, уларга **электрон почтадан хабар БЕРИЛМАЙДИ**. Танланганлар 2009 йил май ва июль ойлари орасида ўз E-DV аризаларида кўрсатилган манзилга фақат почта орқали хат билан хабардор этилади. Фақат саралаб олинган шахслар хабардор этилади. Танланмаган шахслар ҳеч қандай хабарнома ОЛИШМАЙДИ. АҚШ элчихоналари ва консулликлари виза

жараёнини давом эттириш учун танланганлар рўйхатини бера ОЛИШМАЙДИ.

Кентукки Консуллик Маркази (ККМ) танланган шахсларга хабарномалар юборади. Мазкур хатларда визага ариза бериш жараёнига оид йўл-йўриқлар мавжуд булади. Йўриқномада танланган аризачилар барча иммиграция ва турли миллатларга мансуб иммигрантлар учун виза тўловларини фақат АҚШ элчихонаси ёки консуллигида виза аризаси пайтида шахсан тўлашлари айтиб утилган. Консуллик ғазначиси ёки консуллик ходими дарҳол виза аризачисига тўловни тасдиқловчи АҚШ Ҳукумати чиптасини беради. Ҳеч қачон DV тўловларини почта, Вестерн Юнион ёки бошқа етказиш хизматлари орқали жўнатманг.

E-DV лотерея аризалари Интернетда, расмий АҚШ Ҳукумати E-DV вебсайти www.dvlottery.state.gov да топширилади. ККМ сараланган катнашчиларга фақат хатлар юборади. ККМ, консулликлар ёки АҚШ Ҳукумати ҳеч қачон танланган шахсларни хабардор этиш учун электрон почта орқали хабарлар жўнатишмаган ва DV-2010 дастурида ҳам бу мақсадда электрон почтадан фойдаланиш режалари йўқ.

Давлат Департаментининг Визалар Хизмати жамоатчиликка фақат ".gov" белгисига эга вебсайтлар расмий ҳукумат сайтлари эканлиги тўғрисида хабар беради. Кўп бошқа нодавлат вебсайтлар (масалан, ".com" ёки ".org" ёки ".net" кўшимчаларидан фойдаланиб) иммиграция ва визага тааллуқли фойдали ва хақиқий ахборот ва хизматлар кўрсатишади. Нодавлат вебсайтлар маълумотлари мазмунидан қатъий назар Давлат Департаменти бошқа вебсайтларда берилган ахборот ёки материалларни тасдиқламайди, тавсия қилмайди ёки таъминламайди.

Баъзи вебсайтлар мижозлар ва жамоат аъзоларини чалгитиб, ўзларини расмий вебсайтлар деб кўрсатишга ҳаракат қилишади ва электрон почта орқали ўз таклифларига жалб қилиш учун сиз билан боғланишлари мумкин. Мазкур вебсайтларда сиздан Давлат Департаменти вебсайти ёки хориждаги Элчихоналарнинг консуллик бўлимларининг вебсайтларида текин берилувчи иммиграция тартиб-қоидалари ҳақида ахборот ва формалар учун тўлов ундиришга ҳаракат қилиниши мумкин. Қўшимча равишда, мазкур вебсайтларда сиз хақиқатда олмайдиган хизматлар, жумладан кўпинча турли миллатларга мансуб иммигрантлар учун ариза ва виза тўловлари талаб қилиниб, очиқчасига сизнинг пулингизни ўзлаштириш ҳаракатлари қилиниши мумкин. Сиз мазкур фирибгарликлардан бирортасига пулингизни жўнатишингиз билан уни қайтиб кўрмайсиз. Бундан ташқари, мазкур вебсайтларга бирор шахсий маълумотингизни жўнатишда эҳтиёт бўлинг, чунки бу шахсий ахборотингиз ўғирланиши ёки фирибгарликда фойдаланилиши мумкин.

31. МЕН ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ИНТЕРНЕТДАГИ ФИРИБГАРЛИК ЁКИ РУХСАТ БЕРИЛМАГАН ЭЛЕКТРОН ПОЧТА ХАТЛАРИ ХАКИДА ТЕГИШЛИ ХАБАР БЕРИШИМ МУМКИН?

Агар сиз Интернетдаги фирибгарлик ҳақида шикоят қилмоқчи бўлсангиз, илтимос, Федерал Савдо Комиссияси қошидаги econsumer.gov веб-сайтига мурожаат қилинг. Бу 17 давлатнинг истеъмолчилар ҳуқуқларини муҳофаза қилиш органларининг қўшма саъй-ҳаракатлари бўлиб, уни <http://www.econsumer.gov/english/> сайтида топасиз. Шунингдек, Федерал Қидирув Бюросининг (FBI) Интернетда [жиноятга қарши шикоят маркази ёки IC3](#) га мурожаат қилинг. Сўралмаган электрон хатлар устидан шикоят учун [Адлия Вазирлиги веб-сайтига](#) қаранг.

32. АГАР ШУ ДАСТУР БУЙИЧА ВИЗАНИ МУВАФФАКИЯТЛИ ОЛСАМ, АҚШ ДАВЛАТИ АВИАБИЛЕТЛАР СОТИБ ОЛИШДА, УЙ ЖОЙ ВА ИШ ТОПИШДА ЁРДАМ БЕРИБ ЕКИ ТУЛИК УРНАШИБ ОЛИШИМГА КАДАР МАБЛАГ БИЛАН ТАЪМИНЛАБ ТУРА ОЛАДИМИ?

Йук, DV визасини оладиган мурожаат килувчилар учун авиабилетлар, уй жой ва субсидия туловлари шаклида ҳеч қандай ёрдам курсатилмайди. DV визасига мурожаат этиш учун сараланган булсангиз, сизга виза берилишидан аввал, сиз АҚШда давлат қармоғига тушиб қолмаслигингизни исботлашингиз керак. Исботловчи маълумотлар уз мол-мулкингиз ҳақидаги маълумот, «Ёрдам Тасдиқномаси» формаси, АҚШда яшовчи қариндошингиз ёки дустингиздан I-134 формаси ва/ёки Америкадаги иш берувчидан ишга таклифномадан иборат булиши мумкин.

ХУДУДИДА ТУҒИЛГАН ШАХСЛАР DV-2010га МУВОФИҚ БЎЛГАН МАМЛАКАТЛАР МИНТАҚА БЎЙЛАБ

Қуйидаги рўйхатларда мазкур йилниг турли миллатларга мансуб иммигрантлар визалари дастурига ҳар бир жўғрофий минтақада ҳудудида туғилган шахслар DV-2010га мувофиқ бўлган мамлакатлар келтирилган. Ҳар бир минтақадаги мамлакатларнинг жойлашиши Давлат Департаментининг Географи таъминлаган ахборотга асосланган. Ҳудудида туғилган шахслар DV-2010 дастури учун номувофиқ бўлган мамлакатлар АҚШ Фуқаролик ва Иммиграция Хизмати (USCIS) томонидан Иммиграция ва фуқаролик ҳақида Қонуннинг 203(с) бўлимидаги формулага биноан аниқланади. Хориждаги қарам ҳудудлар ҳукмдор давлат минтақасига қўшилган. Ҳудудида туғилган шахслар мазкур турли миллатларга мансуб иммигрантлар дастурига мувофиқ БЎЛМАГАН мамлакатлар (чунки улар оилавий ва меҳнат сабабларига кўра иммигрантликнинг асосий манбаидир, ёки иммигрантлик кўрсаткичи юқори мамлакатлардир) тегишли минтақавий рўйхатлардан сўнг белгиланган.

АФРИКА

Жазоир	Гамбия
Ангола	Гана
Бенин	Гвинея
Ботсвана	Гвинея-Биссау
Буркина Фасо	Кения
Бурунди	Лесото
Камерун	Либерия
Кабо Верде	Ливия
Марказий Африка Республикаси	Мадагаскар
Чад	Малави
Комор ороллари	Мали
Конго	Мавритания
Конг Демократик Республикаси	Маврикий
Кот д'Ивуар	Марокаш
Жибути	Мозамбик
Миср	Намибия
Экваториал Гвинея	Нигер
Эритрея	Нигерия
Эфиопия	Руанда
Габон	Сан Томе ва Принсипи

Сенегал	Танзания
Сейшел ороллари	Того
Сьерра Леоне	Тунис
Сомали	Уганда
Жанубий Африка	Замбия
Судан	Зимбабве
Свазиленд	

Сектор Газада тугилган кишилар Египетга таълуқли.

**ХУДУДИДА ТУҒИЛГАН ШАХСЛАР DV-2010га МУВОФИҚ БЎЛГАН
МАМЛАКАТЛАР МИНТАҚА БЎЙЛАБ**

ОСИЁ

Афғонистон	Ливан	
Баҳрайн	Малайзия	
Бангладеш	Мальдив	
Бутан	Монголия	
Бруней	Непал	
Бурма	Шимолий Корея	
Камбоджа	Уммон	
Шаркий Тимор	Қатар	
Сянган (Гонконг) Махсус маъмурий округи	Саудия Арабистони	
Индонезия	Сингапур	
Эрон	Шри Ланка	
Ирок	Сурия	
Исроил	Тайвань	
Япония	Таиланд	
Иордания	Бирлашган	Араб
Қувайт	Амирликлари	
Лаос	Яман	

Қуйидаги Осиё давлатларида туғилган шахслар мазкур йилдаги Турли миллатларга мансуб иммигрантлар учун визалар дастурига мувофиқ эмас: Хитой (материк ичида туғилганлар), Ҳиндистон, Покистон, Жанубий Корея, Филиппин, ва Вьетнам. Гонконг М.М.О. билан Тайвань **мувофиқ бўлиб**, юқорида санаб ўтилган. Макау М.М.О. ҳам мувофиқ бўлиб қуйида келтирилган.

1967 йилнинг июнь ойигача Исроил, Иордания ва Сирия томонидан бошқарилган худудларда туғилганлар, мувофиқ равишда Исроил, Иордания ва Сирияга тегишли буладилар.

**ХУДУДИДА ТУҒИЛГАН ШАХСЛАР DV-2010га МУВОФИҚ БЎЛГАН
МАМЛАКАТЛАР МИНТАҚА БЎЙЛАБ**

ЕВРОПА

Албания	Макау	Махсус	Бошқарув
Андорра	Минтақаси		
Арманистон	Македония		
Австрия	Мальта		
Озарбайжон	Молдова		
Беларусь	Монако		
Бельгия	Черногория		
Босния ва Герцеговина	Нидерландия	(унинг таркиби	
Болгария	хориждаги		
Хорватия	қарам ҳудудлари)		
Кипр	Шимолий Ирландия		
Чехия Республикаси	Норвегия		
Дания (унинг таркиби ва хориждаги	Португалия	(унинг таркиби ва	
қарам ҳудудлари)	хориждаги		
Эстония	қарам ҳудудлари)		
Финландия	Руминия		
Франция (унинг таркиби ва хориждаги	Россия		
қарам ҳудудлари)	Сан Марино		
Грузия	Сербия		
Германия	Словакия		
Греция	Словения		
Венгрия	Испания		
Исландия	Швеция		
Ирландия	Швейцария		
Италия	Тожикистон		
Қозоғистон	Туркия		
Қирғизистон	Туркманитон		
Латвия	Украина		
Лихтенштейн	Ўзбекистон		
Литва	Ватикан шаҳри		
Люксембург			

Қуйидаги Европа давлатлари ҳудудида туғилган шахслар мазкур йилдаги Турли миллатларга мансуб иммигрантлар учун Визалар дастурига мувофиқ эмас: Буюк Британия, Польша ва Россия. Буюк Британия (Бирлашган Қироллик) қуйидаги қарам ҳудудларни ўз ичига олади: Ангуилла, Бермуда, Британия Виржиния ороллари, Кайман ороллари, Фолькланд ороллари, Гибралтар, Монсеррат, Питкаирн, Муқаддас Елена, Турк ва Кайкос ороллари. Шуниси эътиборга молики, Турли миллатларга мансуб иммигрантлар учун визалар дастурида, Шимолий Ирландияга ўзга ёндашув билан қаралди; Шимолий Ирландия **мувофиқ бўлиб**, мувофиқ давлатлар орасида келтирилди.

**ХУДУДИДА ТУҒИЛГАН ШАХСЛАР DV-2010га МУВОФИҚ БЎЛГАН
МАМЛАКАТЛАР МИНТАҚА БЎЙЛАБ**

ШИМОЛИЙ АМЕРИКА

Багама ороллари

Шимолий Америкада Канада ва Мексика ҳудудида туғилган шахслар бу йилги Турли миллатларга мансуб иммигрантлар учун визалар дастурида иштирок этишга **номувофиқдир**.

ОКЕАНИЯ

Австралия (унинг таркиби ва хориждаги
қарам ҳудудлари)

Фижи

Кирибати

Маршалл ороллари

Микронезия, Науру

Федератив Штатлар

Янги Зеландия

Палау

Папуа Янги Гвинея

Соломон орллари

Тонга

Тувалу

Вануату

Самоа (унинг таркиби ва
хориждаги

қарам ҳудудлари)

ЖАНУБИЙ АМЕРИКА, МАРКАЗИЙ АМЕРИКА ВА КАРИБ ОРОЛЛАРИ

Антигуа ва Барбуда

Аргентина

Барбадос

Белиз

Боливия

Чили

Коста Рика

Куба

Доминика

Гренада

Гайана

Гондурас

Никарагуа

Панама

Парагвай

Сент Кристофер ва Невис

Сент Люсия

Сент Винсент ва Гренадинлар

Суринам

Тринидад ва Тобаго

Уругвай

Венесуэла

Минтақада мазкур йилдаги Турли миллатларга мансуб иммигрантлар учун визалар дастурига ҳудудида туғилган шахслар **номувофиқ** бўлган давлатлар: Бразилия, Колумбия, Доминикана Республикаси, Эквадор, Сальвадор, Гватемала, Гаити, Ямайка, Мексика ва Перу.